

Халқ сўзи



2012 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 11 май, № 92 (5512)

Жума

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Андижон

“Улуғнор” насос станциясида умумий қиймати 9,02 миллион АҚШ долларлик техник ва технологик янгиликлар амалга оширилган. Андижон ва Жалақудуқ туманларининг сув етиб бориши мушкул бўлган 4088 гектардан иборат майдонлари обихаёт билан таъминланди.

«Ирригатор» компьютерлар

Хозир 10 та қудратли агрегат суви 216 метр баландликка чиқариб бераётди. Яна бир эътиборли жиҳати, бу ерда сув оқими тўлиқ компьютерлар ёрдамида бошқарилади. — 60 гектар майдонда пахта, 40 гектар ерда эса галла парвариш қиламиз, — дейди Андижон туманидаги Ҳақиқат агромасивы раҳбари Тоҳиддин Мамадалиев. — Илгари сув тан-

қислиги туфайли яхши ҳосил ололмас эдик. Энди бу муаммо ҳал этилди. Жорий йилда мўл ҳосил етиштиришимизга катта имконият яратилди.

Айтиш кераки, ҳозирги кунда вилоятнинг 15 минг гектардан зиёд экин майдони насослар ёрдамида сугорилиди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Айни пайтда Чиноз туманида аҳоли жами даромадларининг 68 фоизи хусусий тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Мебель турлари кўпаймоқда

Бу кўрсаткич охириги бир йил мобайнида 26 фоизга ўсгани, айниқса, қувонарлидир.

Яқинда туманда мазкур йўналишда яна бир ишлаб чиқариш субъекти — “Чиноз-Ибрат” хусусий корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Хозир бу ерда замонавий услубда хилма-хил ва бежирим мебель тўпламлари тайёрланмоқда. Корхона таъсисчилар саъй-ҳаракати билан илғор мебельсозлик ускуналари билан жиҳозланди. Шунингдек, унинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш борасидаги ташаббуси тижорат банкининг 78 миллион сўмлик молиявий кўмаги билан рағбатлантирилди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм

Хоразм вилоятида ўтган йили 319 нафар ёш тадбиркор тижорат банкири томонидан ажратилган 1 миллиард 593 миллион сўмликдан зиёд кредитлардан баҳраманд бўлганди.

Ёшлар учун имконият

Кунги кеча Урганч шаҳрида коллеж битирувчилари ўртасида бўлиб ўтган “Менинг бизнес ғоям” кўрик-танловининг вилоят босқичи улар сафи янада кенгайтирилди. “Камолот” ЕИҲ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда қатор тижорат банкилари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбир икки босқичда ташкил этилди. Дастлаб қатнашчилар учун семинар-тренинг уюштирилди. Унда коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот берилди. Танловнинг иккинчи босқичида эса ёш тадбиркорлар ўз бизнес лойиҳаларини тақдим этидилар. Яқинда 6 нафар номзоднинг бизнес ғояси юқори баҳолаб, улар танловнинг республика босқичига йўллана олдилар.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Денов туманидаги “Акбар” хусусий корхонаси томонидан ўтган йили 400 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Истиқболли лойиҳалар

Жумладан, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун салкам 500 кубометр қуқма этказиб берилди. Хориж технологияси билан жиҳозланган корхонада 1,1 минг кубометр шағал сараланди. Жаммо ва билан кечкини қолгани йўқ. Ёил бошида молия муассасаси томонидан 150 миллион сўмлик кредит ажратилган эди. Тадбиркорлар ушбу маблағ эвазига модернизация жараёнларини амалга оширдилар.

Таъкидлаш кераки, корхона қошидаги “Гулбахор Мари-сона” шўба корхонаси жамоаси ишлаб чиқараётган уй-рўзгор буюмлари ҳамда қурилиш материалларига нафақат туманда, балки воҳада ҳам талаб ортиб бормоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида бу ерда 10 минг дондан зиёд блок гишлар, 500 квадрат метр ҳажмдаги эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқарилди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Сиз Ўзбекистонни биласизми?»

Яқинда Сеулда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Чон Дэ Ваннинг шу номдаги китоби чоп этилди. Мамлакатимизнинг хорижлик дипломат нигоҳидаги тавсифи бўлмиш мазкур китоб мўъжаз эсселардан иборат бўлиб, улар, муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли қирраларини ҳамда ўлкаимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини очиб берадиган ягона манзарани ҳосил қилади.

Дунё нигоҳи

Асар муаллифнинг Ўзбекистонга келган илк кунларидан бошлаб олган таассуротлари, чор атрофидаги ҳаётий кечмишлар ҳамда барча кўрган-билганлари хусусида китоб ёзишга қарор қилгани тўғрисидаги ҳикоядан бошланади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий вазият, унинг келгусидаги тараққиёти истиқболлари ҳамда саноатнинг турли соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорлик муносабатларига китобда алоҳида эътибор қаратилган. “Ўзбекистонда Жанубий Корея корхоналарининг илгари сурилишидан қутилаётган натижалар”, “Ўзбекистондаги иқтисодий тамойиллар”, “Ўзбекистондаги сарможавий муҳит”, “Ўзбеки-

кстон саноати”, “Автомобиль саноати”, “Савдо жабҳаси” сингари қатор боблар айнан мазкур мавзуларни қамраб олган. Уларда муаллиф Жанубий корейлик ишбилармонлар учун юртимиз жозибдорлигини таъминлайдиган омиллар — Ўзбекистон ва Корея Республикаси халқлари менталитетидаги муштаракликлар, бир-бирини тўлдирувчи ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари, мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари, шунингдек, Ўзбекистон замида икки давлат ўртасида кўпик сифатида хизмат қилувчи кўп сонли этник корейслар диаспорасининг мавжудлиги ҳақида атрофича фикр юритади.

Чон Дэ Ван ўз фикр-мулоҳазаларини юртимизнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларидан иборат статистика маълумотлари билан мустаҳкамлаб боргани, айниқса, эътиборга молик. У саноатимизнинг етакчи соҳаларидан бири саналмиш автомобилсозликка тўхталар экан, Ўзбекистонда мазкур тармоқнинг шаклланиши жараёни ва ҳозирги вақтда унинг максимал даражадаги маҳаллийлаштириш босқичига кўтарилгани хусусида ҳикоя қилади.

Шунингдек, ушбу асардан Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги энг йирик қўшма лойиҳалар — табиий газни бир-бирига қазиб олиш ва Орол денгизи хавзасида газ-кимё мажмуасини бунёд этишни кўзда тутувчи Сурғил лойиҳаси, эркин индустриал-иқтисодий зона ҳамда Навоий шаҳрида халқаро логистика хабини яратиш бўйича ишлар олиб борилаётган Навоий лойиҳаси сингари кўпга фойдали маълумотлар ҳам ўрин олган.

(Давоми 2-бетда).

Фахр

“Биз ўз олдимизга ота-бобларимиз орзу қилган, керак бўлса, жонини ҳам аямаган улуг мақсадни, яъни Ўзбекистонимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиши ва буюк давлат қуриш вазифасини қўйганмиз”. Президентимизнинг кунги кеча Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонида алоҳида таъкидлаб айтган ушбу сўзлари юртимиз тараққиёт йўлининг устувор мақсадини яққол ифодалади.

Юксак эҳтиром шукронаси

Зеро, ана шундай саодатли кунларга эришишда улуг аждодларимиз, кўпни кўрган, эзгуликка иштиёқманд нуруний кексаларимизнинг хизмати ва ҳиссаси катта. Шу боис бугун уларга эъзоз-эҳтиром, меҳр-муруват кўрсатиш, ўтганлар руҳини хотирлаш каби эзгу ишлар давлатимиз сийёсати даражасига кўтарилган. Бу Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан жойларда бўлиб ўтган байрам тадбирларида яна бир қарра намойён бўлди. Тахририятимизга мактуб йўллаётган юртдошларимизнинг дил сўзлари билан танишиб, бунга яққол иқдор бўлдик:

Собир СУЛТОНОВ, уруш ва меҳнат фажрийси (Тошкент шаҳри):

— Президентимизнинг байрам муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонида билдирган фикр-мулоҳазаларини телевизор орқали тинглаб, ниҳоятда таъсирландим. Ўйлаб қарасам, умримнинг навқирон дамлари фронтда кечиб-

ди. Ўша йилларни эсласам, ҳали-ҳануз даҳшатга тушаман. Шукрки, бугун юртимиз тинч, насибамиз бутун. Эртанги кундан кўнглимиз тўқ, Фарзандлар роҳатини кўриш, қарилик гаштини суришдек саодатли кунларда яшяпмиз. Жажжи чевараларимизнинг шодон қийқирғи қўлоғимга чалинса, вужудим яйраб кетади. Рафиқам — Марзияхон билан севинчимиз ичимизга сиймайди. Шунда урушдан сўнг бир этак бола билан елиб-югурганимизни, фарзандимиз оч қолмасин, дея кечани кеча, кундузни кундуз демай, бетиним меҳнат қилганимизни эслаймиз. Ахир 65 йил бир оила бўлиб яшяпмиз, шунинг ўзи бахт эмасми?!

Хотира ва қадрлаш кўнини оила аъзоларимиз даврасида нишонладик. Тўкин дастурхон атрофида осойишта юртимиз, фарзанду аржумандларимиз, ёру биродарларимизни Яратганин ўзи асрасин, дея дуо қилдик.

(Давоми 2-бетда).

Она замин саховати

Фаргона шаҳри аҳолиси

дастурхонига тортиқ этиладиган эртапишар сабзавотлар илгари, асосан, мамлакатимизнинг жанубий вилоятларидан келтириларди. Шу туфайли уларнинг нархи бирмунча қимматлашиши баробарида, бозор ва дўкон расталаридан исталган пайтда топилавермасди.

Жараён

Бугун эса шаҳарликларнинг хонадонидан узилмайди. Қай бир фасида бўлмасин, бозорлар барра кўкатлар, янги етилган сабзю картошка, бодринг ва помидорлар билан лик тўла. Энг муҳими, улар шу ерлик миришкорлар томонидан етиштириляпти.

Фаргона шаҳридаги “Чекшўра” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Адолатхон орзуси нишониси” фермер хўжалиги жамоасининг ҳам бу борадаги хизмати ва ҳиссаси катта. Хўжалик раҳбари Азимжон Мирзаолимов — ишбилармон инсон. Бугун унинг ихтиёрида 50 гектар экин майдони мавжуд. Шундан 5 гектарига тўрт навадига қарам эккан. Ушбу маҳсулотлар август ойига қадар босқичма-босқич ҳосилга қиради. Хозир 1,5 гектар ердаги қарамлар пишиб етилган. Эътиборли, улар илгари Сурхондарёдан келтирилган шундай неъмат-



лар билан бир пайтда узилди. Бундан ташқари, яна 5 гектарлик эртапишар картошка майдони биринчи чопикдан чиқди, ўғитлаш юмушлари якунланди. Айни пайтда вилоят марказида фаолият юритаётган 50 дан зиёд давлат ташиқлотлари, ўқув ва таълим-тарбия муассасалари, шифо масканлари шу хўжалиқда етиштирилган маҳсулотлар билан мунтазам таъминланмоқда. Хусусан,

ўтган йили 240 миллион сўмлик, яъни 364 тонна сабзавот, 125 тонна картошка етказиб берилди.

Бундан ташқари, хўжалик тасарруфидаги 25 гектар ерда бугун, 2 гектар майдонда маккажўхори парваришланаяпти.

— Ўтган йили 26 миллион сўм соф фойда олдик, — дейди фермер Азимжон Мирзаолимов. — Ушбу маблағ ҳисобига хозир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш-

га мўлжалланган, 200 тонна сиймга эга йирик музлаткич барпо этиляпти. Шунингдек, 1 гектар майдонда балиқчилик тармоғи фаолиятини йўлга қўйиш ниятимиз ҳам бор. Яқин истиқболда шаҳар дехқон бозорида ўз савдо шохобчамизни очсак, маҳсулотларимиз даладан тўғри дўкonga йўл олади.

Дарвоқе, хўжалиқнинг ибратли фаолияти эътироф ва рағбатга ҳам сазовор бўлмоқда. Уч йилдан буён кетма-кет “Ташаббус” кўрик-танловининг шаҳар босқичида биринчи ўринни қўлга киритиб келаётган фермер бугун янада юксак марралар сари интиляпти.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: фермер хўжалиги фаолиятдан лавҳа.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Бунёдкорлик

Мамлакатимизнинг барча шаҳарларида бўлгани каби Нукусда ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, маҳаллаларни обод қилиш, янги боғ ва хиёбонлар, замонавий иншоотлар бунёд этиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Замонавий иншоотлар

барпо қилиниши ёшларнинг орзу-ишларини рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Натижада шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарапти. Хусусан, бу ерда бевосита Президентимиз ташаббуси билан Тошкент аграр университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон давлат санъат институти сингари нуфузли ўқув даргоҳларининг филиллари иш бошлади. Замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланган 20 та касб-хунар коллежи ва 6 та академик лицейда эса бахтиёр ўқувчилар таълим оlishмоқда.

Шаҳарга шундан, баланд кўприк орқали кириб келишда шундай билим масканларидан бири — Нукус ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси кўзга ташланади. Лойиҳа қиймати қарийб 1 миллиард сўмлик, 533 нафар ўқувчи мўлжалланган мазкур иншоотни “Massaget” қурилиш корхонасининг моҳир ишчилари бунёд этишган. Академик эшак ашиш бўйича Осиё чемпиони Абубақр Узоқбоев Нукус Олимпия заҳиралари коллежида тахсил олади. Унинг айтишича, бугун ёшларнинг қўлга киритаётган муваффақиятларига, аввало, юртимизда спортга бўлган эътибор, спортчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўляпти.

(Давоми 2-бетда).

Ишлаб чиқариш корхоналари сони ортапти

Мамлакатимизда 2012 йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш объектлари сони

127 тага етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ишбилармонларнинг ишлаб чиқариш бўйича бизнес лойиҳалари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг замонавий технологик ускуналар сотиб олишлари учун энгилликлар берилётгани ана шундай юқори кўрсаткичга эришишда муҳим омил бўлди.

Бир рақам шарҳи

Анжуман

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида “Ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида тақдимот маросими ўтказилди.

Ахборот хизматлари:

Тезкорлик, аниқлик, кафолат

Президентимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида ташкил этилган бу

тадбирда банк тизимининг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар хизмати раҳбарлари, республикамиздаги барча тижорат банкилари мутасаддилари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси

Маълумки, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди.

Қонун кучга кирди

Мазкур дастуриламал ҳужжатда бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келгани, юртимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юретишда юзага келган миллий анъаналаримизга, ҳўжалик юретиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши қайд этилган. Шу билан бирга, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ҳам оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эса мазкур шарт-шароит ҳамда имкониятлардан янада самарали фойдаланиш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун билан оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваққал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти эканлиги белгилаб қўйилди. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Қонунга биноан, оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий шакли бўлиши билан таъриф берилган. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда амалга оширилади.

Қонунда "оилавий корхона" тушу-

часига аниқ таъриф берилгани ҳуқуқий жиҳатдан гоаят муҳим аҳамиятга эгадир. Яъни оилавий корхона ўз иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргалликдаги мулкда бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона ҳар бир иштирокчисининг мол-мулк негизда ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона ўз иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланган, тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир.

Қонунда белгиланган яна бир муҳим жиҳат шундаки, оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ва болалари, тога ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида мустаҳкамланганидек, оилавий корхона оила яшаб турган тураржойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойининг ўзига сотиши мумкин.

Буларнинг барчаси оилавий корхоналарни ривожлантириш, улар-

нинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратишда аини мудоаодир. Аини чоғда Қонунда тегишли имтиёзлар ҳам белгиланган. Чунончи, оилавий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган тураржойларни нотураржойларга ўтказиш талаблари мавжуд эмас.

Бу каби ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган қулайликлар сифатида оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин уларнинг тасарруфига келиб тушган фойдага солиқ солишдан озод этиш, оилавий корхона тураржойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар буйича ва шартлар асосида амалга оширилиши ҳам назарда тутилган.

Мухтасар айтганда, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида оилавий бизнеснинг қонунчилик базаси яратилди. Ва бизнесни юритишда миллий анъаналаримиз, ҳўжалик юретиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келадиган ҳуқуқий қарорларни қўйиб қўйилди. Энг муҳими, оилавий бизнеснинг жадал ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишини кенгроқ таъминлаш асосида эл фаровонлигини янада юксалтириш учун қулай шарт-шароитлар қўйиб қўйилди.

Соҳибжон ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонуқчилик
палатаси
Саноат, қурилиш ва савдо
масалалари қўмитаси аъзоси.

Юксак эҳтиром шукронаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўрол Йўлдошев, Кумкўрган тумани, меҳнат фахрийси (Сурхондарё вилояти):

— Роппа-роса ярим аср мактабда физика ва математика ўқитувчиси бўлиб ишладим. Ёшим — саксонда. Пенсиядаман. Бироқ бекорчи эмасман. Уйимдан шогирдларимнинг ва шу фанга қизиққан мактаб ўқувчиларининг қадами узилмайди. Улар мендан ҳол-ахвол сўраб, кўнглимни кўтаришади. Турли математик жумбоқларнинг ечимлари хусусида фикримни билишга қизиқадилар. Бу билан одамларга нафим тегаётганидан қувониб кетаман.

Қуни кеча Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан айтаётган сўзлари қалбимдаги шу туйғуга сайқал берган бўлди. Юртимиздаги барча ижтимоий қатламлар давлатимизнинг бекиёс гамхўрлиги оғушида. Инсон омили, унинг қадр-қиммати бугун юксак даражада кўтарилди. Хар бир фуқаро қатори неки имкониятим бор, шу эл, шу Ватан хизмати учун сафарбар этаман.



Раҳима УМАРОВА,
уруш ва меҳнат фахрийси (Самарқанд вилояти):

— Мен бахти тўқис момоман. Буни уруш заҳматини, даҳшатини кўрган аёл сифатида айтаман. Бугун эл ичида қадримиз баланд, эъзозу эҳтирмидан кўнглимиз хушнуд. Юртбошимизнинг пойтахтимиздаги Хотира майдонидан туриб айтаётган сўзлари қалбимни тўлқинлантириб юборди. Ғайратимга ғайрат, умримга умр қўшилди. Тўқсон ёшни қораладим. Мактабда лицейлар, коллеж-улий ўқув юртларидаги тадбирларга тез-тез таклиф қилиб туришади. Шунда ёшлар билан сўхбатлашиб, ўзим ҳам яшариб кетгандек бўламан. Осойишталигимиз бардавом, бахтимиз баркамол бўлсин, деб ният қиламан.

Замонавий иншоотлар

барпо қилиниши ёшларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этмокда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар му-сика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш буйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори эса иқтидорли ёшлар учун аини мудоа бўлди. Хусусан, лойиҳа қиймати 1 миллиард 672 миллион сўмлик бўлган 12-му-сика ва санъат мактабида яратилган шароитлар кишининг хавасини келтиради.

Шу билан бирга, шахарлик ёшлар илгор технологияларга асосланган корхоналарда ҳам самарали меҳнат қилишмокда. Улар касб-хўнар коллежларида ўрганган билимларини амалиётда қўллаб, юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаётдилар. Айтайлик, жа-ҳонга машхўр "Samsung Electronics" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Samsung Нукус" корхонасида касб-хўнар коллежларининг 65 нафар битирувчиси ишламоқда.

Мухтасар айтганда, Ну-кус шаҳридаги ўзгариш ва янгиликлар, қурилаётган бино-иншоотлар аҳоли, шу жумладан, ёшларнинг хар жабаҳда фаол бўлишига хизмат қилаяпти.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги маҳсулотлар ўзлаштирилди

Навбахор туманидаги "Оқ олтин Шоҳсувор" хусусий корхонасида банкнинг 125 миллион сўмлик молиявий кўмаги билан кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилди. Бу ерда ички бозорда янгилик ҳисобланган — алюминий иситиш батареяларини тайёрлаш ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, корхона қошида паррандачилик фермаси ҳам ташкил этилди. Аини пайтда бу ерда 3 мингта зотли товуқ парвариши йўлга қўйилди. Муҳими, тадбиркор Зоҳид Файзиев томонидан амалга оширилган ушбу икки лойиҳа туфайли ўнга яқин иш ўрни яратилди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури



Юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда малакали кадрлар муҳим роль ўйнайди.

Шу нуқтага назардан Бухоро нефть ва газ сановати касб-хўнар коллежида таълим самарадорлигига эришиш йўлида амалга оширилаётган ишлар ва бу борада тўпланган тажриба диққатга молик.

— Коллежимизда 58 та ўқув, 6 та лаборатория, 5 та устахона, машқ майдони, 73695 нусха китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, 50 ўринли ўқув зали, 450 ўринли ётоқхона мавжуд, — дейди коллеж директори Замир Адизов. — Аини дамда таълим масканимизда тўққизта йўналиш буйича мамлакатимиз нефть ва газ сановати корхоналари учун кичик мутахассислар тайёрланмокда. Ўқув самарадорлигини оширишда инновацион таълимни жорий этганимиз қўзланган натижани берапти.

Инновацион таълим ва самарадорлик

Дарҳақиқат, ўқитувчининг дарсага ижодий ёндашуви, илгор педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш, назария ва амалиёт ўйғунлигига эришиш бўлгуси кадрларнинг чуқур касбий билим ва малакага эга бўлишига замин яратади.

Ана шу изланишлар самараси ўлароқ, коллеж жамоасининг "Нефть ва газ қудуқлари эксплуатацияси", "Нефть ва газ қудуқларини қазиш", "Нефть ва газни қайта ишлаш", "Автоматик тизимларга хизмат кўрсатиш ва улар эксплуатацияси" каби ихтисосликлар йўналишида тайёрланган тармок таълим стандарти ҳамда ўқув дастурлари республикамиз миёсида таълим жараёнига жорий қилинапти.

Диққатимизни яна бир жиҳат ўзига тортиди. Бу ерда "Нефть ва газ маҳсулотларини қайта ишлаш" йўналишидаги ўқув хоналарида Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи хомийлигида виртуоз кўргазмалар, ишлаб чиқариш технологиялиниялари имитацияси яратилган. Бу эса ўқувчиларга коллеж-

нинг ўзида энг янги технологиялар асосида ишлаб чиқариш кўникмаларига эга бўлиш имконини беради. Нефть ва газ қудуқларини бургилаш, улардан фойдаланиш, автоматика воситаларини жиҳозлаш йўналишлари буйича ҳам худди шундай кўргазмалар тайёрланган. Физика, кимё, астрономия, электротехника, информатика хоналари Жанубий Кореяга ишлаб чиқарилган жиҳозлар билан таъминланган. Ўқув жараёнида инновацион педагогик технологиялар, ўқитишнинг интерфеол усуллари ва замонавий техник воситаларнинг кенг қўлланилиши меҳнат бозорига рақобатдорлик кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда муҳим омили бўляпти.

— Коллежимиз ўқув бинолари 1999 — 2000 йилларда капитал таъмирланиб, янги ўқув-лаборатория биноси қурилди, — дейди махсус фан ўқитувчиси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибни Нуриддин Нурбоев. — Замонавий ўқув хоналарида, очиги, биз, ўқитувчилар роҳатланиб



дарс ўтагимиз. Юзлаб шогирдларимиз мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим бўгини саналган нефть ва газ сановати корхоналарида самарали ишлаётганидан мамнунимиз. Президентимиз раҳнамоллигига ёш авлод таълим-тарбиясига берилаётган катта эътибор зиммасиздаги масъулиятни янада оширганини чўққанга аниқлаш.

Коллеж жамоасининг самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб қадрланаяпти. Икки ўқитувчи "Ўзбе-

кистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвонига сазовор бўлгани, бир ўқитувчи "Меҳнат шухрати" ордени билан, яна бир нафари эса "Шўҳрат" медали билан, саккиз нафари "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" қўрқак нишонин билан тақдирлангани фикримиз далилидир.

Истам ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ
олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ахборот хизматлари: Тезкорлик, аниқлик, кафолат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказий банк томонидан ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар туфайли молия маюссасаларининг ахборот хизматлари жамоатчилик ва ОАВ вакиллари билан воситачилик қилувчи муҳим таркибий бўлинмага айланди. Чунки айнан мазкур тузилма орқали банклар, умуман, республикамиз молия-иқтисодиёт йўналишига доир ахборотлар жамоатчиликка кенг етказилаяпти. Бунга ҳозирги кунда банк ва миқоз муносабатлари тобора фаоллашиб бораётгани ҳам яққол мисол бўла олади.

Маълумки, банклар фаолияти таваққалчилик билан боғлиқ. Яъни банклар миқозлар маблагига таянади. Шу маънода, айтиш мумкинки, банкларнинг

республикамиз иқтисодиёти ривожигади ўрни, аҳоли турмуш даражасини яхшилашдаги аҳамиятини оммага тезкор ва аниқ етказиш давр талабидир. Тадбирдош иштирокчилар Марказий банк Ахборот хизматининг бу йил журналистика соҳасида еттинчи бор ўтказилган "Олтин қалам" халқаро танловининг "Энг яхши мабтубот хизмати" номинациясида голиб деб топилгани республикамиз банк-молия тизимига берилган юксак баҳо эканлигини қайд этиб, ахборот соҳасида замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда, интерактив хизматлар кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш хусусида фикр алмашишлар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қолаверса, муаллиф Ўзбекистон заминидagi табиий бойликлар ва мамлакатимиз энергетика соҳасининг тараққиёти ҳақида қизиқарли маълумотларни келтиради. Эътиборлиси, китобда сув муаммолари ва мамлакатни гидроресурслар билан таъминлаш масалаларига алоҳида боллар ажратилган.

"Сиз Ўзбекистонни биласизми?" асарида инсон омилидан фойдаланиш соҳаси ҳам назардан четда қолмаган. "Меҳнат бозори" номили бобда фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг Ўзбекистонда амалда бўлган тизими — кексалик нафақаси тўлиниши белгиланган ижтимоий сугурта ва тиббиёт хизматларининг тақдим этилиши тўғрисида атрофчила мулоҳаза юритилади. Муаллиф мазкур бобни юртимиздаги иш-

«Сиз Ўзбекистонни биласизми?»

лаб чиқариш муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда ёзгани диққатга моликдир.

Ўзбек халқининг тарихи, урф-одатлари, аънава ва маънавий қадриятлари тўғрисидаги маълумотлар китобнинг алоҳида бобидан жой олган. Чон Дэ Ван халқимизнинг самимияти ва меҳмондўстлиги, кўп миллатли жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, тотувлик ва бағрикенглик ҳақида ўзининг илиқ фикрларини китобхонлар эътиборига ҳавола қилган.

Китоб саҳифаларидан жой олган мамлакатимиз ўтмишига мухтасар саёҳат эса ўқув-

чиларни икки давлат халқлари ўртасидаги яқин алоқаларнинг кўп асрлик тарихи билан таништиради. Ҳозирги вақтда "Афросиёб" музейида жойлашган қадимий деворий сурат халқларимиз ўртасидаги муносабатлар узоқ даврлардан буйдан давом этиб келаяётганининг ёрқин мисолидир. Зеро, унда акс этган инсонларнинг кийимларини ўрганиш орқали олимлар ушбу суратда шоҳ Афросиёбнинг ҳузурига Корея ярим-оролидан ташриф буюрган икки элчи тасвирланганини аниқлашган.

Мазкур асарда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида фаол иш-

чилигида Когон, Қорақўл, Шофиркон ва Ёғдудов туманларида "Нуронийлар боғи" тинчлик ва осойишталиқ посбони, "Уч авлод учрашуви" сингари тадбирлар орқали ўғил-қизларимиз қалбида она-юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини қулайтираётганимиз, уларни шу тинч ва фаровон кунларнинг қадрига етишга даъват этаётимиз. Қариялар бош-

Алишер РЎЗИКУЛОВ, Зарафшон шаҳар 16-сон милиция таянч пунктининг профилактика инспектори (Навоий вилояти):

— Кеча Президентимиз пойтахтимиздаги Хотира майдонида дунёнинг қўпбалла минтақаларида давом этаётган қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашни талаб қилади, деб таъкидлаб ўтдилар. Бу биз каби ҳуқуқ

посбонлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бугун шаҳримизда кўп миллатли аҳоли аҳил-иноқ ҳаёт кечирмокда. Бунга эришишда тажрибали оқсоқоллар, нуронийлар, кайвониларимизнинг йўл-йўриқ ва маслаҳатларидан умумий фойдаланаямиз. Жорий йилнинг февраль ойда ички ишлар тизимида аъ-

навий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг республика босқичида голиб бўлиб, "Матиз" автомашинаси билан тақдирландим. Байрам арафасида Шахтёр маҳалласидаги фахрийлар ҳолидан хабар олдик, уларга хомийлар совғаларини етказдик.

Яқинда дунё юзини кўрган ушбу янги тўплам Жанубий Кореяликларнинг замонавий Ўзбекистон билан янада яқинроқ танишишларига кўмаклашиши, шубҳасиз.

«Жаҳон» АА.

Интилиш

Инсон мўъжиза яратишга қодир. Оҳангаронлик хунарманд Зарифа Баҳодированинг ижодхонасини кўриб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Бу ер шунчаки устахона эмас, катта бир ишлаб чиқариш корхонаси: хунарманднинг ўнлаб шогирдлари — маҳаллий йигит-қизлар завқ билан меҳнат қилмоқда. Улар томонидан оддий тол новдаларидан тайёрланаётган бежирим уй-рўзгор анжомларидан тортиб, мураккаб маиший ашёлар ҳамда мебель жиҳозлари пешма-пеш савдо расталарига, буюртмачилар манзилларига жўнатилаёпти.



Сеҳрли қўллар мўъжизаси

Зарифа опанинг асл касби — педагог. Шаҳардаги умумтаълим мактабда, маориф бўлимида, болалар боғчисида раҳбарлик вазифаларида фаолият юритди. Ишдан буш пайтлари тўрт фарзандини ёнига олиб чилвир тол новдаларидан сават ва галадонлар, ошхона буюмлари тўқишни одатга айлантди. Қачондир ўзининг хусусий корхонасини очишни ният қилганди. Орунлари истиқлол шарофати билан ушалди.

сусий корхонасига асос солинди. Жамоа томонидан қўл меҳнати асосида тайёрланаётган тўқима мебель жиҳозлари ички бозорда янгилик бўлгани боис тезда харидорлар эътиборига тушди. Экологик тоза, пишиқ ва ҳамён-боп маҳсулотларга чор атхона буюмлари тўқишни одатга айлантди. Қачондир ўзининг хусусий корхонасини очишни ният қилганди. Орунлари истиқлол шарофати билан ушалди.

лоят босқичида 5 мартаба “Энг яхши хунарманд” йўналиши бўйича ғолиб бўлди. 2007 йил эса танловнинг республика босқичи уни “Энг яхши тadbirkor аёл” номи билан машҳур қилди.

Бу ҳали муваффақиятларнинг бошланиши эди. Негаки, кўп ўтмай Зарифа опанинг доверуғи узоқ ва яқин давлатларга ҳам ёйилди, хориждан ҳам буюртмалар кела бошлади. Бунда “Ўзэкспомарказ”да бўлиб ўтган “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” махсус аънавий кўргазма-ярмаркасидаги иштироки асосди. Унинг махсулотлари “Кўргазманинг энг яхши дебюти” ҳамда “Уй ва офис учун идеал танлов” каби йўналишларда икки бор ташкилотчиларнинг махсус дипломларига сазовор бўлди. Энг муҳими, худди шу анжуманларда унинг қўл меҳнати хорижлик меҳмонлар назарига тушди.

— Мен жуда бахтли аёлман, — дейди Зарифа Баҳодирова. — Хунар ортидан юртга танилдим, дунё кездим. Ўнга яқин хориж давлатларида ташкил этилган кўргазмалар ва ишбилармон доира вакиллари иштирокидаги бизнес-конференцияларда қатнашиб, олқиш олдим. Ишонасизми, ҳеч бир ерда тadbirkorлик билан шуғулланаман, деган одамга биздагидек имконият ва эркинлик яратиб берилмаётганини кўрганим йўқ. Мен бу гапни Ҳиндистонда дунёнинг 48 давлатидан келган ишбилармон аёллар иштирокидаги “Spring — 2008” аънавий кўргазмаси минбаридан туриб баралла

айтганимда, кўпчиликнинг ҳаваси келган эди. Рост-да, мана, ўзимдан қиёс. Корхонамизни оёққа қўйгунча тижорат банкларидан етти мартаба кредит олдим. Хунармандларга жорий этилган солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланаяпман. Қатор танловларда ғолиб бўлиб, мукофотландим. Бирор муаммо тугилса, мутаассадилар ҳаммиса қўллаб-қувватлашади. Энг муҳими, ўзим ёқтирган иш билан машғул бўлиб, даромад топаётман, фаровон ҳаёт кечираётман. Бундан ортиқ бахт борми инсон учун?!

Бугун диёримизнинг барча худудларидан хунар урғани дараклаб келувчи ёшлар кўп. Шу пайтгача тол новдаларидан тўқима махсулотлар тайёрлаш бўйича 60 дан ортиқ шогирд етиштирган хунарманд яқинда республика Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл урди. Зарифа опанинг вилоятлари бўйлаб ёшлар учун “Устоз — шогирд” машғулотларини ташкил этапти. Ҳозиргача худди шундай ўқувлар Нукус ва Фарғона шаҳарларида кўплаб ҳавасманд ёшларни ўзига жалб этди.

Бу мамлакатимизда хунарманд меҳнати муносиб қадр-қиммат, эътироф топаётганидан, азалий мерос ва аънаваларимиз изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.



Президентимиз раҳнамолигида миллий хунармандчиликни янада ривожлантиришга қаратилган эътибор, хусусан, хунар соҳибларига қўшимча имтиёз ва қўлайликлар яратилиши бунда қўл келди. Шу тариха 15 нафар маҳаллий ёшни бир сафга жамлаган “Оҳангарон-Покизахон” ху-

қатор миллий ва халқаро аҳамиятдаги кўргазмалар марказидан жой олаётгани, биргина ўтган йилнинг ўзида ички бозорда 120 миллион сўмликдан ортиқ махсулот сотилганининг асосий сабаби ҳам шунда.

Интиланганга толе ёр, дейдилар. Хунарманд “Ташаббус” кўрик-танловининг ви-

«ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ»

жамоаси

хонадонларимизнинг файзи бўлган нуруний ошахону ошахонларимизни, юртимиз

аҳлини

Хотира ва қадрлаш кўни

билан самимий қўплайди.



Осмонимиз мусаффо,

тинчлигимиз абадий бўлсин!

«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРТ»


инспекцияси жамоаси

Ўзбекистон халқини

Хотира ва қадрлаш кўни

билан табриқлайди!

Баргага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайди!
Ҳаётимизга назарини бағишлаб турувчи тирч бадавлат ота-оналаримиз доимо соғ-омон бўлишсин.
Фортимиз тинч, дастурхонимиз тўқин бўлсин!



9 МАЙ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ

ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютадаги янги муддатли омонатларни амалга киритганини маълум қилади.

- «ЖАСОРАТ»
 - Сақланиш муддати — 2 ой.
 - Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
 - Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
 - Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йил 1 сентябргача амалга оширилади.
- «РАВНАҚ»
 - Сақланиш муддати — 6 ой.
 - Бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм.
 - Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
 - Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализациясиз тўланади.
 - Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йил 15 июнгача амалга оширилади.

Шунингдек, АҚШ долларларида муддатли омонатларни амалга киритилганини маълум қилади:

- «ФАЙЗЛИ»
 - Сақланиш муддати — 6 ой.
 - Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
 - Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг, АҚШ долларларида тўланади.
- «ТУҲФА»
 - Сақланиш муддати — 1 йил.
 - Омонат муддати якунланишидан 3 ой олдин, 500 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча бадаллар қабул қилинади.
 - Фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, Марказий банкнинг курси бўйича сўмда тўланади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!
Кўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.com

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!
Аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 11 январдаги 1-587-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чорбоғ кўрғони, СВТ «Строитель»-да жойлашган дала ҳовли жиҳозлари билан қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 232 576 119 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 12 июнь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати — 2012 йил 8 июнь кўни соат 18.00.
Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва савдосини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖнинг «Йлак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй.
Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайти: www.1kms.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси Қўмита аъзоси Қ. Ф. Тошматовга падари бузруквори
ФАТТАҲ отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.
Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси жамоаси қўмита раиси ўринбосари Аслон Акрамович Мавлоновга волидан муҳтарамаси
Чиний МАВЛОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ёш ватанпарварлар беллашуви

Жиззах вилоятида касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Спорт

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазириликлари, Мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилган мазкур спорт байрамида вилоят босқичларида голиб чиққан 220 нафар ўқувчи иштирок этди. Улар сафда юриш, сафда кўшиқ айтиш, умумсиёсий, жисмоний тайёргарлик, фуқаро муҳофазаси ҳамда тезкор

тиббий ёрдам кўрсатиш, мерганлик каби йўналишлар бўйича ўзаро беллашдилар.

— Бундай мусобақалар ёшларимиз орасида спортни оммалаштириш, уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, қалбида Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилояти кенгаши раиси Жасур Курбанов. — Эътиборли жиҳати, мазкур беллашувларга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораёпти. Бу эр-

таммиз эгаларининг, ёш ватанпарварларнинг эзгу мақсад йўлидаги интилишлари тобора кучайиб бораётганини аниқлашди, албатта.

Мусобақалар якунига кўра, Самарқанд вилоятининг "Сардор" жамоаси биринчи, Жиззах вилоятининг "Қалқон" ва Тошкент шаҳрининг "Эврика" жамоалари иккинчи, Андижон вилоятининг "Лочинлар", Наманган вилоятининг "Мард ўғлонлар" ҳамда Хоразм вилоятининг "Паҳлавон Маҳмуд издошлари" жамоалари учинчи ўринни эгаллади.

Ҳолибларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Реклама ва эълонлар •

Хизмат

Мамлакатимизда 2012 йилнинг "Мустақкам оила йили" деб эълон қилиниши республикамиздаги барча тижорат банклари қаторида давлат-тижорат Халқ банки зиммасидаги масъулиятни янада ошириб, унинг олдига кўплаб муҳим вазибаларни қўйди.



XALQ BANKI

Ишончли молиявий таянч

Зеро, Президентимизнинг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Мустақкам оила йили" Давлат дастурида жамиятимизнинг асоси бўлиши оила институтини янада мустақкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар белгилаб берилди. Унинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида Халқ банкида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Авалло, банк томонидан оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини янада ошириш мақсадида чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик, мева-сабзавот ва боғдорчиликни ривожлантириш, шунингдек, иссиқхона қуриш учун кре-

дитлар бериш тартиби жорий қилинди. Унга асосан, 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида 3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада 700 дан зиёд оила аъзолари иш билан таъминланди.

Мазкур кредит маблағларидан, айниқса, фарго-

қаниннг Сўх тумани филиали кўмағида паррандачиликни йўлга қўйганимдан кейин рўзгоримга барака кирди. Ҳозир кунига 80 донагача тухум олаётишимиз. Унинг савдосидан тушаётган маблағнинг бир қисмини кредит тўлови учун қайтарайтган бўлсак, қолган

2012 йилнинг биринчи чорағида оилавий бизнесни ривожлантириш учун банк томонидан

3 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

наликлар унумли фойдаланишиди, десак, муҳолага бўлмайди. Сабаби, банкнинг Фарғона вилояти филиали томонидан жорий йилнинг биринчи чорағи давомида 1,5 млрд. сўмликдан ортиқ кредитлар берилди.

— Оилавий бизнес оила мустақкамлигининг кафолати эканлигига ўз фаолиятимиз мобайнида гувоҳ бўлдим, — дейди Сўх туманидаги "Сўх" кишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Озод Саидназаров. — Чунки Халқ бан-

қисмини оиламиз эҳтиёжига сарфляймиз.

Бугунги кунга қадар филиалнинг молиявий кўмағи билан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган оилалар сони 15 тага етди. Улар 30 млн. сўмлик микрокредитлар ҳисобидан бизнес фаолиятини ривожлантириш билан бирга, олган қарзларини муддатидан олдин тўлаш имкониятига ҳам эга бўлишмоқда.

— Халқ банкидан кредит олиш ҳужжатларини икки кунда расмийлаштириб, икки ой деганда соф да-

ромад оладиган тадбиркорга айландим, — дейди Ёзёвон туманидаги "Гулистон" кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Шахноза Миржамолаева. — Айни пайтда етти хазинанинг бири билан шуғулланаёман. Бунинг орқасидан топайтган даромадимиз эвазига рўзгоримиз бут бўлди. Эндиликда фаолиятимизни кенгайтириш ҳаракатида-миз. Бунинг учун яна Халқ банкининг молиявий хизматидан фойдаланамиз.

Ёзёвон туманида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сони кун сайин кўпайиб бораёпти. Масалан, жорий йилнинг дастлабки уч ойида банкнинг қарийб 100 млн. сўм маблағи ушбу соҳа ривожига йўналтирилган, 45 дан ортиқ оилалар ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйди. Туманининг Қорасоқол маҳалласида истиқомат қилувчи Майрамхон Йўлчиева, Дунёнон Султонова ва Холмурод Акбаров ҳам энди иш бошлаган тадбиркорлардан ҳисобланади. Уларнинг бизнес лойиҳалари банк кўмағи билан тезда рўёбга чиқиб, турмушлари тобора фаровон бўлиб бормоқда.

Оилавий бизнес ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш фаолиятининг устувор вазибаларидан бири бўлган Халқ банки жамоаси оилалар мустақкамлиги, бозорлар тўқиллигига хизмат қиладиган бу каби сайё-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бундан кейин ҳам молиявий хизматлар кўламини янада кенгайтириб бораверади.

Банк матбуот хизмати.



O'ZSANOATQURILISHBANK

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

«Оилавий тадбиркорликнинг энг яхши бизнес лойиҳаси»,

«Аёллар тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси»,

«Касб-хунар коллежи битирувчисининг энг яхши

бизнес лойиҳаси» йўналишларида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танлов лойиҳаси талаблари:

1	Танлов иштирокчиси	Бизнес-лойиҳани тақдим этган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида асосий ҳисоб рақамига эга кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлар
2	Бизнес-лойиҳа мақсади	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш
3	Иштирокчилар томонидан ҳужжатларни тақдим этиш	«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимидаги барча филиалларга лойиҳа ташаббускорлари томонидан ҳужжатлар 2012 йил 25 июнга қадар тақдим этилади
4	Танловни ўтказиш муддатлари	2012 йил 1 майдан 15 июлга қадар
5	Танлов натижалари бўйича голибларни эълон қилиш муддати	2012 йил 16 — 18 июль
6	Танлов голибларнинг тақдирланиши	Танлов голибларига голиблик дипломи ва қимматбаҳо буюмлар совға қилиниб, «Ўзсаноатқурилишбанк» кредит сиваси талаблари асосида имтиёзли кредит маблағлари ажратилади



Кўшимча маълумотлар учун минтақавий филиалларнинг кредит бўлимлари телефонлари:

Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон минтақавий ф-ли	(371) 141-71-48, 141-71-01	Сирдарё минтақавий ф-ли	(367) 225-19-55, 225-07-40	Самарқанд минтақавий ф-ли	(368) 233-44-01, 233-66-29
Андижон минтақавий ф-ли	(374) 235-30-97, 235-20-99	Тошкент вилояти минтақавий ф-ли	(371) 259-22-62, 259-22-76	Сурхондарё минтақавий ф-ли	(376) 781-12-86, 272-73-73
Бухоро минтақавий ф-ли	(365) 233-51-36, 233-66-22	Фарғона минтақавий ф-ли	(373) 224-51-19, 224-51-03	Марказий аҳолиёғ босқирмаси	(371) 239-10-18, 140-15-36
Қашқадарё минтақавий ф-ли	(375) 223-22-12, 223-06-63	Хоразм минтақавий ф-ли	(362) 224-12-44, 224-22-93		
Навоий минтақавий ф-ли	(436) 224-53-91, 224-50-91	Тошкент шаҳар минтақавий ф-ли	(371) 140-66-28, 140-66-29		
Наманган минтақавий ф-ли	(363) 234-32-90, 234-14-94	Амлиёғ босқирмаси	(371) 120-45-72, 120-45-61		

Бош офис телефонлари: (371) 233-63-78, 120-45-22, 120-36-20.

Вақт давомида синалган ишонч!

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совиришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-001.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

E 215

TL 100
100 л.с.

Италиянинг сифати

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.

DST-07 DESTAS

ТАКСОМЕТРЫ

Товар сертифицирован Узгосстандартом и внесен в госреестр РУ

Адрес: г. Ташкент, ул. А. Кадыри, 35. Тел.: (+998 71) 150-20-38, (+998 97) 428-11-10, 432-00-55. Факс (+998 71) 150-20-37. E-MAIL: avtokom@sks.uz

ОБ-ҲАВО (11 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида
+13 +18 +25 +30	+13 +18 +25 +30	+13 +18 +22 +27
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
+15 +20 +25 +30	+13 +18 +22 +27	+16 +18 +22 +24

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирадлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилган, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 22.40